

**“МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ” МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИНИНГ ТАШКИЛ  
ЭТИЛИШИ ҲАМДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН  
ФАОЛИЯТЛАРНИНГ САМАРАСИ**

**Хакимов Ўктам Тошботирович**

Фанлар академияси Навоий бўлими бўлим бошлиғи, к.х.ф.н.

E-mail: [u.t.xakimov0907@mail.ru](mailto:u.t.xakimov0907@mail.ru)

**Адилов Собитжон Ўктамович**

Фанлар академияси Навоий бўлими таянч докторанти.

E-mail: [s.u.adilov2991@mail.ru](mailto:s.u.adilov2991@mail.ru)

**Бабаева Зарифахон Актам қизи -**

Фанлар академияси Навоий бўлими таянч докторанти.

E-mail: [zarifaaktamovna@gmail.com](mailto:zarifaaktamovna@gmail.com)

***Аннотатсия:** Бугунги кунда табиатда юз бераётган ўзгаришлар инсон омилининг бевосита ҳамда билвосита таъсирлари натижасидир. Юзага келган ва келаётган экологик муаммоларни ҳал қилиш ва уларни олдини олиш вазифамиздир. Мазкур муаммоларни ҳал қилишида ҳам назарий, ҳам амалий ҳаракат қилиш муҳимдир. Ушбу мақолада “Марказий Қизилқум “ миллий табиат боғида олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда ўсимлик дунёси объектларини ҳисобга олиш ва бошқа маълумотларни рўйхатдан ўтказиш китобини юритиш тўғрисида маълумотлар бериб ўтилган.*

***Калит сўзлар:** муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, фенологик кузатув, географик жойлашув, экологик мувозанат, иқтисодий баҳолаш.*

**Annotation:** *Changes occurring in nature today are the result of direct and indirect effects of the human factor. It is our duty to solve and prevent environmental problems that have arisen and are coming. It is important to act both theoretically and practically in solving these problems. This article provides information on the activities carried out in the "Central Kyzylkum" National Nature Park, as well as on keeping a book of registration of flora and fauna objects and other information.*

**Key words:** *protected natural areas, phenological monitoring, geographical location, ecological balance, economic assessment.*

Инсоннинг табиатга бевосита ҳамда билвосита таъсири натижасида табиат неъматларининг камайиши ҳамда табиий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлди. Табиатда мавжуд мувозанатни барқарорлаштириш ҳамда турли табиий офатларнинг олдишни олиш мақсадида инсоният кескин чораларни кўришни бошлади. Табиатда флора ҳамда фауна дунёсини сақлаб қолиш ҳамда уларнинг сон жиҳатидан кўпайтириш мақсадида алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ташкил этилди. Бундай ҳудудларга: миллий боғлар, кўрикхоналар, табиат ёдгорликларни киритиш мумкин. Биргина Республикамизда, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ташкил этиш ҳамда уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида 16.02.2022 йил ПҚ 131-сонли қарорига биноан “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи ҳамда “Оқтоғ-Томди” давлат кўрикхоналари ташкил этилган бўлиб бундан асосий мақсад эса:

- табиий ҳудудларни сақлаб қолиш;
- табиий ҳудудларни қайта тиклаш;
- табиатда мавжуд бўлган экологик муҳит ҳамда мувозанатни қайта тиклаш;
- табиий ресурслардан оқилна фойдаланиш каби мақсадларни ўз ичига олади.

“Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи ташкил этилиши биланоқ барча фаолият кўрсатаётган ходимлар алоҳида муҳофаза қилинадиган

худудларга мансуб бўлган йўриқномага асосан фаолият юритиб келишмоқда. “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи ташкил этилгандан буён қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- давлат қўриқхоналаридаги эталон экотизимларда биохилма-хиллик компонентлари учун мониторинг олиб боришнинг марказий бўғинли ягона тизими ишлаб чиқилади;

- ҳар йили 2 млн гектар майдонда табиий яйловлар ва пичанзорлардаги ўсимликлар геоботаник текширувдан ўтказилади;

- биохилма-хилликни сақлаб қолиш масалалари иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграция қилинади.

- йил давомида белгиланган режа бўйича дастур тузилиб, ҳисоб-китоб ишлари ҳамда ҳисоботлар тузилди;

- соҳага оид “Табиат салномаси” юритилмоқда;

- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш ва фенологик кузатувлар бўйича иш режа тузилди;

- аҳоли ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқхона фаолияти тўғрисида тарғибот- ташвиқот ишлари олиб борилмоқда;

- атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ва қўриқхона режими бўйича рейдларда иштрок этиш каби масалалар ва топшириқлар ҳар бир илмий ходим зиммасига юклатилган;

Шунингдек, ҳар бир алоҳида муҳофаза қилинадиган худуларда мавжуд бўлган ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси кадастр ҳужжатлари ташкил этилди. Шунингдек, ҳар бир ходим Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”ги, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғриси”даги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий худудларда бўлишни тартибга солишнинг айрим масалалари тўғриси”да, “Муҳофаза этиладиган табиий худуднинг паспортини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни

тасдиқлаш тўғрисида”ги, Қизил китобга киритилган ўсимлик ва ҳайвон турларига оид билим ва кўникмага эга бўлишлари мавжуд бўлган муҳофаза этиладиган ҳудудга нисбатан янада масъулият билан ёндашишларига ва ўз илмий кўникамаларини иш фаолияти давомида мустаҳкамлаб боришлари учун ходимлар орасида ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Ҳамда мавсумий ўтиш даврларда ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсида юзага келадиган ўзгаришларни кузатиш мақсадида мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Олинган натижалар асосида илмий мақолалар ҳамда тезислар ёзилмоқда. Шу билан бирга йўқолиб бораётган ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш мақсадида турли илмий лойиҳалар тайёрланди.

“Марказий Қизилқум” миллий табиат боғида қуйидаги фаолиятларнинг ташкил этилиши амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги янада ортади:

- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуднинг тахминан (50 гектар ер майдонини) ёғоч тўсиқ билан ўраш ҳамда ҳудуднинг чегаравий нуқталарини белгилаш;

- йўқолиб бораётган ҳайвон турлари шу жумладан, жайронларнинг сонини кўпайтириш;

- алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудуд ходимлари ахборот алмашишлари учун ахборот-техник базасини яхшилаш;

- флора ва фауна дунёсида юзага келадиган барча физиологик жараёнларни кузатиш мақсадида фотоқапқонларни ташкил этиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон қарори талабларига мувофиқ, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бўйича “Ҳайвон ва ўсимлик дунёси объектларини ҳисобга олиш ва бошқа маълумотларни рўйхатдан ўтказиш китоб”ни юритиш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар кўрилиб мазкур қарор юзасидан ўсимлик дунёси кадастр китоби ҳар бир алоҳида муҳофаза қилинадиган

худудларда ташкил этилди. Шу жумладан “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи учун ҳам таййорланди. “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи ўсимлик дунёси объектларини ҳисобга олиш ва бошқа маълумотларни рўйхатдан ўтказиш китобида жами 43 та ўсимлик турлари ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтилган бўлиб китоб қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

### **1-бўлим. Давлат кадастрининг субъекти тўғрисида умумий ахборот.**

**Бу бўлим қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- алоҳида муҳофаза қилинадиган худуднинг номи;
- умумий майдони;
- Ер участкасининг кадастр рақами;
- Кадастр гувоҳномасининг рақами
- Ердан фойдаланиш учун давлат ҳужжатининг рақами

-Ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини ва рўйхатдан ўтказиш китобини юритиш учун масъул ваколатли шахс каби таркибий қисмлардан иборат. Шунингдек, бу бўлимда алоҳида муҳофаза қилинадиган худудда тарқалган ўсимлик дунёсининг географик харитаси ҳам ўрин олади.

### **2-бўлим. Ўсимлик дунёсининг давлат кадастрларининг рўйхати.**

Бу бўлимда мазкур худудда учрайдиган жами ўсимлик турларининг сони, илмий номи, рус тилидаги номи, давлат тилидаги номи ҳамда табиатни муҳофаза қилишдаги мақоми тўғрисида маълумотлар бериб ўтилади.

### **3-бўлим. Ўсимликларни бирламчи ҳисобга олиш маълумотлари.**

Бу бўлим икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда ўсимлик турнинг илмий номи, рус тилидаги номи, давлат тилидаги номи ва табиатни муҳофаза қилишдаги мақоми ҳақида маълумотлар бериб ўтилган бўлса, иккинчи қисмда эса қуйидагилар ҳақида маълумотлар берилган:

- Турининг қисқача тавсифи:

- Ўсиш жойлари: участка рақами, квартал рақами, кичик участка рақами, даранинг номи, географик координатлар, турнинг чакалакзорлари майдони (гектарларда)

- Ҳисобга олиш амалга оширилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуднинг номи;

- Ҳисобга олиш амалга оширилган майдон;
- Ўсимликлар ўсадиган майдон;
- Ўсимликларнинг ўсиш зичлиги;
- Турнинг популяция сони;
- Турнинг популяция ҳолати
- Фойдаланиш;
- Иқтисодий баҳолаш;
- Ахборот тўплаш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**4-бўлим. Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини ҳар йили давлат томонидан ҳисобга олиш маълумотлари.**

Бу бўлим ҳам ўз навбатида икки қисмдан иборат. Биринчи бўлимда қуйидаги маълумотлар келтирилган: идентификация рақами, ўсимлик турининг илмий номи. ўсимлик турнинг рус тилидаги номи, ўсимлик турининг давлат тилидаги номи, табиатни муҳофаза қилиш мақоми, ҳисобга олиш амалга оширилган сана, ҳисобга олиш амалга оширилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд номи, ҳисобга олиш амалга оширилган майдон тўғрисида илмий маълумотлар келтириб ўтилади. Иккинчи қисмида эса ўсимликлар ўсадиган майдон (гектар), географик координаталар, турнинг популяцияси эгаллаган майдон (гектар), популяция зичлиги, турнинг популяция сони, турнинг популяция ҳолати, фойдаланиш, иқтисодий баҳолаш ҳақида илмий маълумотлар бериб ўтилган. Бу китобни шакллантиришдан асосий мақсад: алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда мавжуд бўлган ўсимлик дунёсининг сони, унинг тури, географик координаталари, биологик тавсифлари

ҳамда бугунги кундаги аҳамияти ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш ҳамда бундай ўсимликларни кўпайтириб келажак авлодларга етказиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни турли илмий лойиҳалар асосида ўрганишдан иборатдир. Шунингдек, кузатиш жараёнлари натижасида олинган барча маълумотлар илмий манбааларга сақланган ҳолда келажак авлодга етказишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, табиат-бу ўз мувозанатини сақлайдиган бутун бир тизимдир. Бу тизимнинг ҳар бир қисмига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш эса ҳар бир инсоннинг вазифасидир. Ўсимликлар объектларини ҳисобга олиш ҳамда уларни ҳам илмий, ҳам амалий ўрганиш орқали табиатда юз бераётган жараёнлар ҳақида ахборотга эга бўлишга олиб келади. Бундай ахборотлар эса мавжуд бўлган табиат мувозанатини сақлашга ҳамда унинг бузилишини олдини олишга олиб келади. Зеро табиатнинг ҳар бир бўлагини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9.12.1992 йилдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2022 йилдаги ПҚ-131
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик тўғрисидаги қонун.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамойилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарор.
6. “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи “Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш ва бошқа маълумотларни рўйхатдан ўтказиш “ китоблари.